

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ БИОХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА САҚЛАШГА ТАЪСИРИ

Аликулов С.М., Буриев Х.Ч.

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Мақолада глобаллашув жараёнларининг биохилма-хилликни жалб этиш ва сақлашга таъсири тўғрисида қимматли маълумотлар чуқур илмий таҳлил қилингандан ҳолда келтирилган. Шунингдек мақолада, дунёдаги етакчи трансмиллий компаниялар ва уларнинг бизнес соҳаси баён қилинган.

Калит сўзлар: Глобаллашув, биохилма-хиллик, сақлаш, трансмиллий компаниялар.

Бугун асосий соҳаларда (масалан, маблағ ва ахборот тармоқлари) устуворликларга эга аксарият давлатлар иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, савдо бозорларини эгалламоқда, умумий страатегик вазифаларни ҳал этиш учун мавжуд ресурсларни бирлаштирмоқда. Бу уларга жаҳон иқтисодиёти ривожини назорат қилиш, уни муайян доирада чеклаган ҳолда керакли йўналишга йўналтириш имконини беради. Айни пайтда дунё тузилишининг муҳим тизимини ташкил этувчи хусусияти шундан иборатки, Ер шари аҳолисининг камида 15 фоизи истиқомат қиладиган Ғарб давлатлари жаҳонда 70 фоиздан ортиқ ресурсларни ишлаб чиқариш, улар билан савдо ва истеъмол қилишни назорат қилади. Илмий-техник тараққиётнинг деярли барча йўналишларида етакчи ўринни эгалланган Ғарб олами ихтиро ва кашфиётлар соҳасида катта устунликка эга бўлиб, уларни интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя этиш тизими, патент ва лицензиялар билан мустаҳкамламоқда.

Глобаллашувнинг иқтисодий, ҳудудий-сиёсий, ҳарбий, саноат ва маданий каби асосий беш ўлчамини ажратиш кўрсатилади. Глобаллашув жараёни жаҳон ва маҳаллий ўлчамларнинг мураккаб ўзаро боғлиқлигини ифода этади.

Бундай шароитларда миллий ривожланиш глобал, халқаро тузилмаларга боғлиқ бўлади. Миллий иқтисодиёт ва сиёсатда кескин ўзгаришлар рўй бериб, янги «глобал ўйин қоидалари» пайдо бўлади. Миллий манфаатларни минтақавий ва дунё миқёси даражасида ҳимоя қилиш учун ушбу қоидаларга сўзсиз риоя этиш ва назорат қилиш механизмлари ҳамда бошқариш режимини ишлаб чиқиш зарурати юзага келади. Мамлакатлар ўртасида турли хусусиятга эга яқин ўзаро муносабатлар юзага келиб, бу қонунчилик базасини уйғунлаштириш, қўшма қарорлар қабул қилишда интеграциялашув, ўзаро англашув ёки консенсусга, баъзида эса таркибий қисмларга ажралиш, қўплаб баҳс-мунозаралар ҳамда мамлакат ва минтақани ривожлантириш жараёнининг тўхтаб қолишига сабаб бўлади. Миллий манфаатлар ҳисобга олинмаган ва уларни бошқа иштирокчилар манфаатлари уйғунлаштириладиган ўзаро муносабатлар давлат тузилмалари томонидан тартибга солинади. Негаки, миллий даражада ҳаракат режасини тўғри танлаш айнан улар қабул қиладиган қарорларга боғлиқдир.

Жаҳонда озиқ-овқат ва товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш, алмашиш ва истеъмол қилиш халқаро ва миллий иқтисодиётнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Учинчи минг йиллик бошида трансмиллий корпорациялар ва қудратли молия тузилмалари дунё китъаларига ўз таъсирини ўтказмоқда. Бугунги кунда трансмиллий корпорациялар умумий сони 53 минг, филиаллар ва шўба компаниялар сони 450 мингдан ошди. Етакчи трансмиллий корпорациялар давлат назоратидан чиқиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар кўпгина давлат ва ҳукуматларнинг иқтисодий тузилмасига кириб олиб, товарлар, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва сотадиган жаҳон бозорини эгаллашмоқда, шу билан майда ва ўрта фермерларга катта зарар етказмоқда.

1-YO'NALISH: AGROBIOXILMA-XILLIKNI O'RGANISH, SAQLASH VA BOYITISHI MUAMMOLARI

Олимларнинг фикрига қараганда қуйидагилар глобаллашув жараёнининг асосий омиллари ҳисобланади: хўжалик алоқаларининг дунё миқёсидаги хусусияти ва уларга мос транспорт ва коммуникация воситалари тизимининг пайдо бўлиши макон ва замон доирасига боғлиқ бўлмаган ҳолда мулоқот қилиш имконини бермоқда; бозор муносабатларини умумий эркинлаштириш; экологик таназзулни бутун дунёни омон қолиш ёқасида қолдирадиган, амалдаги иқтисодий сиёсатни эса шубҳа остига қўядиган умумбашарий, кенг қамровли муаммо сифатида англаш.

Трансмиллий корпорациялар аслида уруғчилик ва озик-овқат бозорини «глобаллаштирди». Масалан, бешта сабзавот селекция компанияси, жаҳондаги сабзавот уруғчилиги бозорининг 75, тўрт компания тижорат учун мўлжалланган соя уруғининг 45 фоиздан ортигини, Monsanto Америка пахта уруғчилиги бозорининг 87 фоизини назорат қилади. Бугунги кунда «саноат» давридан «биотехнология» даврига ўтиш учун замин яратилди. Бунинг натижасида Monsanto, DuPoint, Hoechst, Novartis ва бошқа кимё гигантлари ўз тадқиқот, ривожланиш ва маркетинг стратегиясини инсоният учун озик-овқат ва бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирди. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даромад келтирадиган соҳасида етакчи трансмиллий корпорациялар пешқадамлик қилмоқда. Масалан, 10 компания жаҳон агрокимё бозорининг 85 ва озик-овқат ишлаб чиқаришнинг 80 фоизи, яна 10 компания уруғчилик бозорининг 40, яна 10 таси фармацевтика бизнесининг 47 фоизини назорат қилмоқда. Айрим соҳаларда улар бир хил трансмиллий корпорациялардир (жадвал).

Жадвал

Дунёдаги етакчи трансмиллий компаниялар ва уларнинг бизнес соҳаси

<i>Маҳсулот ишлаб чиқариш</i>	<i>Уруғ</i>	<i>Агрокимё</i>	<i>Фармацевтика</i>
NESTLE (Швейцария) (1*)	DuPoint/Pioneer Hi-Bred (АҚШ) (1)	Aventis (Франция) (3)	Aventis (Франция) (5)
Pilip Morris Co (АҚШ) (2)	Pharmfcia (Monsanto) (АҚШ) (2)	Syngenta (Novartis) /AstraZeneca (Швейцария, Буюк Британия) (1)	Merck (АҚШ) (3)
Unilever Plc/NV (Буюк Британия, Голландия) (3)	Syngenta (Novartis) (Швейцария) (4)	Pharmfcia (Monsanto) (АҚШ) (5)	Глахо+СКВ (Буюк Британия, АҚШ) (1)
CopAgra, Inc (АҚШ) (7)	Grape Limagran (Франция) (4)	DuPoint (АҚШ) (5)	Novartis (Швейцария) (7)
IBM, Inc (АҚШ) (7)	Advanta (Буюк Британия, Голландия) (6)	Bayer (Германия) (6)	Astra / Zencka (Syngenta) (Буюк Британия) (4)
Pepsi Co, Inc (АҚШ) (6)	Dow (АҚШ) (9)	Dow AgroScience (АҚШ) (7)	Bristol-Myers Squibb (АҚШ) (6)
Coca-Cola Co (АҚШ) (5)	Grupo Pulsar Seminis (Мексика) (5)	FMS (АҚШ) (10)	Pfizer (АҚШ) (2)
Diageo Guinness (Буюк Британия) (8)	Delta&Pine Land (АҚШ) (10)	BASF (Германия) (4)	Hoffmann-La Roche (АҚШ) (9)
Mars Inc (АҚШ) (9)	KWS AG (Германия) (8)	Sumitomo (Япония) (9)	Johnson & Johnson (АҚШ) (10)
Danone (Франция) (10)	Sakata (Япония) (7)	Makhtechshim-Agan (8)	Pharmfcia (АҚШ) (3)

*ТМК томонидан назорат қилинадиган жаҳон бозори ҳажми (фоизда).

Дунёнинг кўпгина давлатларида фаолият кўрсатаётган трансмиллий корпорациялар ўз ҳукуматлари назоратидан чиқиб кетмоқда. Бир йил ичида (1996-1997) трансмиллий корпорацияларнинг хоридий вакиллари томонидан савдо ҳажми 8,5 триллион доллардан 9,5 триллион долларга ўсди (UNCTAD, 1998). Бугунликда фармацевтика, биотехнология, агробизнес, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефть-кимё ва косметика саноати ўртасидаги анъанавий чегара трансмиллий корпорациялар фаолияти туфайли янада нозиклашиб бормоқда.

Маълумки, генетик ресурслардан асосий фойдаланувчилардан бири бўлган хусусий сектор ўзига хос хусусиятлари ва ҳал этиладиган вазифаларга эгаллиги туфайли биохилма-хилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш муаммосига нисбатан мутлақо тескари ёндашувга эгадир.

Аслини олганда, хусусий секторнинг баъзида билвосита, баъзида бевосита фаолияти биохилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ ишларнинг умумий аҳволини мураккаблаштирибгина қолмай, балки глобаллашув жараёнининг бошқа жараёнлари билан биргаликда унинг жадал камайиши ва йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бироқ, давлат нафақат биохилма-хилликдан оқилона фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш, балки хусусий секторни жалб этган ҳолда уни барқарор сақлаш ва қайта тиклашга ёрдам берадиган генетик ресурсларни бошқариш тизимини яратиши лозим.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов Д. Глобаллашув шароитида барқарор ривожланишни таъминлашнинг геоэкологик жиҳатлари //Ijodkor o'qituvchi. – 2022. – Т. 2. – №. 21. – С. 58-63.
2. Шварц Е. Сохранение биоразнообразия: сообщества и экосистемы. – Litres, 2022.
3. Куксова М. А. Инновационные изменения в сфере финансирования сохранения биоразнообразия. Инициативы в рамках частного сектора //Terra Economicus. – 2008. – Т. 6. – №. 4-2. – С. 192-194.
4. Морозов Б. Н., Абдурахманов Г. М. Оценка и наращивание потенциала сохранения биологического разнообразия Каспия для решения национальных и трансграничных экологических проблем //Юг России: экология, развитие. – 2009. – №. 4. – С. 18-29.
5. Морозов Б. Н., Абдурахманов Г. М. Оценка и наращивание потенциала сохранения биологического разнообразия Каспия для решения национальных и трансграничных экологических проблем //Юг России: экология, развитие. – 2015. – Т. 4. – №. 4. – С. 21-33.